






ИЖОДКОРНИНГ САРА АСАРЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Республика Болалар кутубхонасида сценарийчи, журналист ва мусаввир-график Андрей Бородиннинг «Тугалланмаган кўшиқ» альбомининг тақдими бўлиб ўтди.



1951 йилда Тошкентда туғилган Андрей Бородин икки олий ўқув юрти тямомлаб, шарқ тилларини пухта ўрганди. Унинг сценарийси асосида бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисквиёвнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Рингга чақирилдилар» фильми суратга олинган бўлиб, кинотасмада бош ролни ҳақрамоннинг ўзи ижро этган эди. Ижодий фаолияти давомида журналистлар ва киночилар ижодий уюшмаларига аъзо бўлди.

График ишларида муаллифнинг замонавий дунёга қарашлари ёрқин акс этади. Хотира кечасига тўлланганлар адиб ижодини,

Футбол

ИСФАХОНДАН ГАЛАБА БИЛАН

Қитъамизда футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси ва Кубоги турнирининг навбатдаги гуруҳ беллашувлари бошланди.

Осиё чемпионлар лигаси «Д» гуруҳидан ўрин эгаллаган «Бунёдкор» жамоаси Исфаконда Эрон чемпиони «Сепохон» командаси меҳмони бўлди.

Тошкентдаги дастлабки баҳсда 2:2 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этган ҳар икки жамоага галаба сув ва ҳаводек зарур эди. Айниқса, тошкентлик футболчилардан муҳлислар ижобий натижа кутишгани шубҳасиз. Дарҳақиқат, учрашув муросасиз ва кизиқарли кечди. Биринчи бўлимда тўп билан муомала қилишда, рақиб дарвозаси

олдида ҳавфи вазиятлар содир этишда тошкентликлар устунлик қилишди. 19-дақиқада Желаров томонидан амалга оширилган бурчак тўпини Копадзе боши билан мезонлар дарвозасига жойлаб қўйди.

Иккинчи бўлимда томонлар ушбу натижани ўзгартиришга қанчалик ҳаракат қилишмасин, 1:0 ҳисоби ўзгармай қолди. Ушбу муҳим галабадан сўнг «Бунёдкор» очколари сонини еттигача етказиб гуруҳдаги мавқеини анча яхшилаб олди. (Ўз мухбиримиз)



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Умр ўтказишга зарур восита (маош) ҳосил бўлмагунча киши хотири осойишта бўлмайди.

Кимки жамиятдан фойда кўрсаю лекин фойда етказмаса, у ишламаган бўлади.

Уйку ўлимнинг кўриниши.

Маърақанинг асоси файз олиш ва файз етказиш.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ

Бир сурув кўй ичра юз бўри қирганда бўладиган гавғодан, соатлик шайтоннинг одамийга қиладурган фасодидан нафсининг одамийга қиладирган фасоди ёмонроқдир.

Нафсининг бир соат ичда қилган ишини ҳам юзта шайтон қила олмас.

Одамларнинг азизи улдураким, нафсини хор этар.

Хислатларнинг ёмони кибрдир.

Ҳеч қимдан таъма қилмаган киши озоддир.

Жавонмардлик улдураким, ҳеч кишининг этагидан тутмагaysан.

ВАРРОҚ ТЕРМИЗИЙ

Таъмага: «Отан қимдир»? деслар, айтар эканки: «Отан тақдир қилинган ризққа шак келтирмоқликдир».

АБДУЛЛОҲ МАНОСИЛ

Вақтларнинг яхшироғи улдураким, нафс сенинг устиндан голиб келмай. Вақтларнинг ёмони улдураким, нафсингга мағлуб бўлгaysан.

Мен ул кишига таажуб этарманки, ҳаёдан сўз айтиб, ўзи Оллоҳдан ҳаё қилмагays.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Advertisement for '2008 йил 1 майдан бошлаб' (Starting from May 1, 2008) featuring 'Ўзбек давлат чирки' (Uzbek State Circus) and 'МАЙ ОЙИДАГИ МОСКВА' (Moscow in May). It lists various circus acts and ticket prices.

Advertisement for 'Бектемир туман «КТАТХ» ОАЖ жамоаси қорхона бош хисобчисини Надия Байбулатованинг отаси меҳнат фахрийси' (Nadiya Baybulatova, head of the accounting department of the Bektemir district 'KTATX' LLC collective farm, is a labor hero of her father). It mentions her father, Anvar GUMIROV, and his role in the cotton industry.



Table of TV programs for Dushanba, 27 April. Columns include channel names (O'zbekiston, Toshkent, Sport, Rossiya, NTV) and program titles with their respective start times.

Table of TV programs for Chirshanba, 29 April. Columns include channel names (O'zbekiston, Toshkent, Sport, Rossiya, NTV) and program titles with their respective start times.

Table of TV programs for Chirshanba, 29 April. Columns include channel names (O'zbekiston, Toshkent, Sport, Rossiya, NTV) and program titles with their respective start times.

